



ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ АҲОЛИСИ ТАҚРОР БАРПО БЎЛИШИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ДЕМОГРАФИК ОМИЛЛАР

[doi https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss2/a38](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss2/a38)

Баҳриддинова Муаззам Азам қизи -
ТДИУ ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини
ривожлантиришнинг илмий асослари ва
муаммолари” илмий-тадқиқот
маркази докторанти

Аннотация. Ушбу мақолада Қашқадарё вилояти аҳолиси тақрор барпо бўлишига таъсир этувчи омиллар ва уларнинг келиб чиқиш сабаблари, аҳоли турмуш тарзига ижтимоий таъсирлар ва жойлардаги мавжуд муаммоларни ўрганиш мақсадида республикадаги аҳоли ўртасида ўтказилган социологик-демографик сўровнома натижалари асосда тақлиф ва ечимлар ишлаб чиқилгани ёритиб берилган.

Асосий тушунчалар: аҳоли тақрор барпо бўлиши, демографик омиллар: иқтисодий, ижтимоий, миллий-диний омиллар, уй-жой, даромад, эрта турмуш, эрта туғруқ.

ДЕМОГРАФИЧЕСКИЕ ФАКТОРЫ, ВЛИЯЮЩИЕ НА РЕКОНСТРУКЦИЮ НАСЕЛЕНИЯ КАШКАДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ

Баҳриддинова Муаззам Азам қизи -
докторант Научно-исследовательском центре
“Научные основы и проблемы развития
экономики Узбекистана» при ТГЭУ

Аннотация. В данной статье описаны факторы, влияющие на возрождение населения Кашкадарьинской области и их причины, социальное влияние на образ жизни населения и выработка предложений и решений по результатам социологических и демографических опросов, проведенных среди населения.

Ключевые слова: воспроизводство населения, демографические факторы: экономические, социальные, национально-религиозные факторы, жилье, доход, ранние браки, преждевременные роды.

DEMOGRAPHIC FACTORS AFFECTING THE RECONSTRUCTION OF THE POPULATION OF KASHKADARYA REGION

Bakhriddinova Muazzam Azam kizi -
doctoral studies at the Scientific Research Center
“Scientific Foundations and Problems of the Development
of the Economy of Uzbekistan” at the TSUE

Annotation. This article is a sociological and demographic survey conducted among the population of Kashkadarya region to study the factors influencing the recurrence of the population and the reasons for their occurrence, the social impact on the lifestyle of the population and the existing problems in the area.

Keywords: population reproduction, demographic factors: economic, social, national-religious factors, housing, income, early life, premature birth.

Кириш. Аҳолининг тақрор барпо бўлиши жамият давомийлигини таъминловчи асосий жараён бўлиб, инсон авлодининг мунтазам янгилашиб туришидир. Инсон дунёга келиб яшайди, балоғат ёшига етиб, фарзанд кўради, насл қолдиради. Бу узвий жараён туфайли жамиятда авлодлар алмашади, аҳоли тақрор ва тақрор барпо бўлаверади. Аҳолининг тақрор барпо бўлиши жараёни ижтимоий муҳит учун ҳам муҳим омил саналади. Айни вақтда инсонлар ўз ҳаётлари учун зарур нарсаларни (озиқ-овқат, турар-жой, кийим-кечак ва ҳоказолар) яратиш, ишлаб чиқаришни ривожлантирадилар. Бу жараёнда инсоннинг билим, илм даражаси, малакаси, ҳаётга, узоқ умр кўришга бўлган интилиши, ҳаракати кучайиб боради. Демак, дунё-

га келган инсон жамиятда яшаши билан унинг сифат хусусиятлари ҳам ривожланади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Ҳозирги вақтга келиб, дунёнинг деярли барча мамлакатларида олимлар ва мутахассислар томонидан аҳоли тақрор барпо бўлиши, унинг таркиби, у билан боғлиқ демографик жараёнларнинг ўзига хос хусусиятлари ўрганилмоқда. Аҳоли тақрор барпо бўлиши, шаклланиши ва ривожланиши ҳамда унга таъсир этувчи ижтимоий-демографик омиллар ҳақида иқтисодчи олимлар ва мутахассислар ўз тадқиқотларида фикр ва муҳозаларини келтириб ўтишган. Улар томонидан аҳоли тақрор барпо бўлиш сабаблари, мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни ва уларнинг салбий ва ижобий жиҳатлари ўз давр-

ларидаги мавжуд ҳолатлар бўйича кўрсатиб ўтилган.

“Аҳолининг такрор барпо бўлиши жамиятнинг мавжудлиги, аҳоли сони ўсиб боришини таъминловчи жараёнлар” [1]. Лекин у бевосита ижтимоий-иқтисодий муҳит билан боғлиқ ҳолда содир бўлади. “Инсонлар ўз ҳаёти давомида бошқа инсонларнинг дунёга келишига омил бўлади” [2].

Д.И.Валентея фикрича, “Аҳолининг такрор барпо бўлиш жараёнлари аҳоли сони, таркиби, жойлашуви ва сифати динамикасининг тенденцияларини сақлаб қолиш ёки ўзгартиришни назарда тутувчи аниқ мақсадга йўналтирилган фаолият” [3].

Жаҳон ҳамжамиятида машҳур бўлган демограф А.Совининг шундай таъкидлаган: “Аҳоли такрор барпо бўлиши ўз олдида фақат биргина аҳолининг сонини ўзгартиришдан кенгроқ вазифаларни қўйиши ва бир қарашда демографиядан узоқ бўлиб кўриниши мумкин бўлган соҳаларни ҳам қамраб олиши мумкин” [4].

Кўп тилли демографик луғатнинг асосида ҳам ўша фикр ётади, унда “аҳоли, бир томондан, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа омилларнинг, иккинчи томондан, демографик жараёнлар ва уларнинг оқибатлари ўзаро боғлиқлигини аниқлаш” сифатида таърифланган [5].

“Общая теория населения” китобида “Демографик омиллар аҳоли такрор барпо бўлишининг асосий қисми бўлиб, жамият тараққиётининг турли босқичлари ва турли давлатларда ўзига хос хусусиятлар, йўналишларга эгадир” деган фикр таъкидланган [6].

А.Я.Кваши “Современная демография” аса-рида “Барча аҳоли қатламларининг турмуш шароитларини яхшилаш аҳолининг такрор барпо бўлишига таъсир этади” деган фикрни илгари суради [7].

В.Г.Глушковой, Ю.А.Симагина каби олимлар “Демография. Учебное пособие” номли аса-рида демографик омилларни давлат органлари ва унинг ижтимоий институтларининг аҳолининг такрор барпо бўлиши жараёнларини тартибга солиш соҳасидаги аниқ мақсадга йўналтирилган фаолияти сифатида тасаввур қилади [8].

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар Қ.Абдурахмонов ва Х.Абдурамановлар “демографик омиллар” тушунчасига куйидагича таъриф берган: “Демографик жараёнлар деганда, ҳозирги давр ҳамда узоқ муддатли истиқбол учун аҳолининг такрор барпо бўлиши ва динамикаси соҳасида муайян бир сифат ва миқдорга эришишни назарда тутувчи бирлашган воситалар ва фикрлар бирлиги тушунилади” [9].

Юқорида баён этилганларни умумлаш-тирган ҳолда, айтиш жоизки, барча таърифлар-

да давлатнинг, демографик омилларни назарда тутган ҳолда, оптимал ижтимоий-иқтисодий ривожланиш чора-тадбирлари (тартибга солиш воситалари) тизимини қўллаш йўли билан аниқ мақсадга йўналтирилган, бошқарувчи таъсири зарурлиги муҳим ҳисобланади. Демографик жараёнлар нуқтаи назаридан давлат томонидан тартибга солиш, бизнинг фикримизча, демографик ривожланишнинг барча кичик тизимлари (туғилиш миқдори, ўлим сони, аҳолининг миграцияси ва сифати) нормал ишлаши учун энг қулай шароитларни яратиш билан боғлиқ бўлиши керак. Шу билан бирга, бозор ислохотлари шароитида демографик жараёнларнинг ривожланиши учун ижтимоий-иқтисодий тартибга солувчи омилларнинг аҳамияти ортади.

Шундай қилиб, жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб ва маҳаллий иқтисодчи олимларнинг юқорида келтирилган таърифларини умумлаш-тирган ҳолда, демографик жараёнларни давлат томонидан тартибга солиш деганда, муаллиф қонунчилик, иқтисодий ва ташкилий-хўжалик механизмларини уйғунлаштириш орқали демографик жараёнларга (аҳолининг такрор барпо бўлиши ва сифати) давлат томонидан таъсир этиш усуллари ва чора-тадбирлари тизими-ни тушунади.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот жараёнида мавзуга оид адабиётлар таҳлил қилинди. Статистик маълумотларни таҳлил қилиб, ҳудудлар кесимида ўзаро таққослаш усули, социологик-демографик сўровномадан фойдаланил-ди.

Таҳлил ва натижалар. Аҳоли такрор барпо бўлиш ҳаракати турли хил омил ва сабабларнинг ўзаро таъсири натижасида юзага келади. Аҳоли такрор барпо бўлиш жараёнига таъсир қилувчи омиллар таркибида икки гуруҳ мавжуд. Биринчи гуруҳ объектив омиллар билан шакл-лантирилади: анъаналар, халқаро вазият ҳолати, урушларнинг оқибатлари, бошқа таъсир кўрсатадиган омиллар. Масалан, тиббиёт фанидаги тараққиёт, тиббий хизмат сифати, аҳолининг маданий-маърифий даражаси, турли жиҳатлар бўйича турмуш даражаси – уй-жой билан таъминлаш, уй-жой шароитлари, даромад миқдори. Бундан ташқари кўпгина адабиётларда аҳоли такрор барпо бўлишига таъсир этувчи омиллар алоҳида-алоҳида турлича талқин этилади. Масалан, аҳоли такрор барпо бўлиш жараёнига таъсир кўрсатувчи бир қанча омиллар кўрсатилади. Булар:

– давлат сиёсати омили – давлат томонидан олиб борилаётган сиёсат мамлакатдаги иқтисодий вазият, ижтимоий хавфсизлик даражаси, оила ва никоҳни қонуний қўллаб қувватлашга таъсир кўрсатади. Демографик сиёсатнинг йўналиши маълум бир мамлакат демогра-

фик вазиятидан келиб чиқиб танланади. Масалан, Хитой ва Японияда ҳудудга нисбатан анча юқори аҳоли сони жойлашган, давлат сиёсати туғилишнинг камайишига қаратилган. Қашқадарё вилояти ҳам республикада туғилиш сони энг юқори бўлган ҳудудлардан бири бўлиб, туғилиш сонини қисқартириш чора-тадбирлари аҳоли билан суҳбатларда “Репродуктив саломатлик”, “Соғлом она ва бола” шиори остида тарғибот-ташвиқот ишлари кенг қўламда олиб борилмоқда. Бу сиёсат, албатта, туғилиш сонини қисқартириш эмас, балки аҳоли саломатлигини ошириш учун олиб борилади;

– иқтисодий омил – қийин турмуш шароитларининг улуши, аҳоли турмуш даражасининг пастлиги, соғлиқни сақлаш тизимининг ёмонлашуви ўлимнинг ошишига олиб келади. Аҳолининг маълумотлилик даражаси, аҳоли урбанизацияси, аёлларнинг бандлиги ва бошқа шу каби иқтисодий ечимини кутаётган бир қанча муаммолар мавжуд. Қашқадарё вилояти иқтисодий жиҳатдан қудратли саноатлашган ҳудудлардан бири ҳисобланса-да, аҳоли сонининг тез суръатларда кўпайиб бориши, бандлик ва меҳнатга ҳақ тўлашда бироз муаммолар борлигини келтириб ўтиш лозим. Чироқчи, Косон, Китоб каби туманларда ушбу муаммолар яққол кўзга ташланади;

– ижтимоий хавфсизлик – аҳолининг барча қатламлари давлат ижтимоий ҳимоясида бўлиши лозим, акс ҳолда, ташқи миграция миқдори ортиб, аҳоли сонининг камайиб кетишига олиб келади. Давлат аҳолига пенсия, болалар нафақалари, субсидиялар, имтиёзлар бериши керак. Бу нафақат моддий ёрдам, балки давлат томонидан бундай ғамхўрлик инсонларда эртанги кунга ишонч ва хавфсизлик ҳиссини туғдиради. Биргина Қашқадарё вилоятининг ўзида 100 мингга яқин пенсия ёшидаги аҳоли истиқомат қилади. Демак, аҳолининг ижтимоий муҳофаза қилиниши керак бўлган қатлами орасида пенсия ёшидагилар салмоқли ўрин тутади, деб айта олиш мумкин;

– миллий ва диний омиллар – миллий қадриятлар ва диний қарашлар туғилиш ва ўлимга ўз таъсирини кўрсатади. Кўпфарзандлилик, оилада ўғил фарзанднинг қадрланиши шулар жумласидандир. Қашқадарё вилоятининг Чироқчи, Шаҳрисабз, Китоб каби туманларида кўпфарзандлилик, ўғил фарзанд туғилмагунча, аёлларнинг кетма-кет фарзандли бўлишлари она ва боланинг саломатлигини хавф остига қўяди. Бундан ташқари вилоятда қизларни эрта турмушга бериш ва эрта туғруқ туфайли ногирон фарзандларнинг дунёга келиши ачинарли ҳолдир. Ота-оналарнинг истак-хоҳишлари қурбони фарзандлари бўлиб қолмоқда. Жойларда бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун Маҳал-

ла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги томонидан бир қанча ижобий натижаларга эришилмоқда;

– оила ва никоҳ институтининг давлат томонидан шакллантирилиши – аҳоли ўртасида оила ва никоҳ қадриятларининг йўқолиши, вақтинчалик ҳамда никоҳсизлик, кўп ажралишлар, никоҳсиз туғилиш, боладан воз кечиш каби ҳолатлар аҳоли такрор барпо бўлиш жараёнарига таъсир этади. Жумладан, Қашқадарё вилояти ҳам энг кўп никоҳлар сони бўйича республикада етакчи ҳисобланади. Минг афсуски, охириги ўн йиллик статистик маълумотларни таҳлил қилганда, вилоятда ажралишлар сони 1000 тадан ортганини кўриш мумкин. Никоҳнинг давлат идораларида расмийлаштирилмаслиги аёлларнинг ҳуқуқларини талаб қила олмаслигига сабабчи бўлади. Фарзандлар учун тўланиши керак бўлган алиментнинг ўз вақтида тўланмаслиги жойлардаги муаммонинг туб илдизи нақадар чуқур эканининг исботидир;

– эпидемия омили – эпидемиялар сабабли аҳоли ўлими кескин ошади, туғилиш ҳамда никоҳ жараёнлари эса камаяди, умуман олганда, қисқа вақт ичида аҳоли сони камайиб кетади. Биргина COVID-19 (коронавирус) пандемиясини олайлик. 2019 йилнинг иккинчи ярмида аниқланиб, 2020 йил баҳорида бутун дунё учун муаммо бўлиб қолди ва ҳозиргача давом этмоқда.

Сўнгги статистик маълумотларга кўра, дунё бўйича 123 миллиондан ортиқ одам бу пандемиядан аъзият чекмоқда, шундан 2,7 миллион киши вафот этди. Юзага келган ҳолат туфайли нафақат ижтимоий-иқтисодий соҳаларда, балки демографик жараёнларда ҳам сезиларли ўзгаришлар содир бўлди. Қашқадарё вилоятида ҳам пандемия қурбонлари анчани ташкил қилиб, аҳоли саломатлигига салбий таъсирини ўтказмасдан қолмади, албатта. Ҳар бир регион, ҳудуд, давлатда бўлгани сингари нафақат Ўзбекистон, балки Қашқадарё вилоятида ҳам аҳоли такрор барпо бўлиши ва демографик ривожланишга таъсир этувчи омиллар мавжуд.

Қашқадарё вилояти аҳоли такрор барпо бўлиш жараёнига таъсир этувчи омиллардан бири қадриятлардир. Ўзбек халқи азал-азалдан “болажон” халқ. Жамиятимизда серфарзанд оилаларнинг қадрланиши, хурмат-эътиборга сазовор бўлиши туғилишнинг юқори бўлишига олиб келувчи омиллардан биридир. Айниқса, ушбу ҳолат Қашқадарё вилоятига тўла мос келувчи ҳолат ҳисобланиб, туғилиш сони юқори эканлигидан ҳам буни билиш қийин эмас.

Аҳоли такрор барпо бўлиш жараёнига таъсир этувчи омиллардан яна бири аёлларнинг ижтимоий ҳаётда тутган ўрнидир. Ҳозирги кунга келиб, ижтимоий қарашларнинг ўзгариши,

аёлларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қила олиши натижасида бу жараёнда бир қанча ўзгаришлар содир бўлди. Қашқадарё вилояти аҳолиси ҳам кўп болаликдан, ўрта сонли болалик томон бормоқда.

Учинчи омил қизларнинг эрта турмушга чиқиш ҳолатидир. Вилоятимизнинг баъзи худудларида бу омил яқин-яқингача сақланиб қолган. Қизлар 16-19 ёшгача бўлган даврда турмушга узатилиш ҳолатлари кўп кузатилади. Айниқса, вилоятнинг Чироқчи, Деҳқонобод, Нишон каби туманларида қизлар мактабни тугатиши билан турмушга бериб юборилади. Ўз навбатида, қизларнинг эрта турмушга чиқиши фарзанд кўриш даврини бирмунча узайтиради. Қолаверса, шу давр оралиғида турмушга чиққан қизларнинг маълумотлилик даражаси юқори бўлмайди. Уларни иш билан таъминлашда ҳам қатор ижтимоий-иқтисодий тўсиқларни юзага келтиради.

Бугунги кунда оила ҳаётнинг бардавомлиги, авлодларнинг давомийлигини таъминловчи, муқаддас урф-одатларимизни сақловчи, шу билан бирга, келажак авлодлар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган дастлабки ва энг муҳим тарбия ўчоғи эканлигини инобатга олиб айтиш жоизки, унинг мустақамлиги ва барқарорлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жамиятнинг муҳим бўғини бўлган оилалар қанчалик тинч ва тотув бўлса, шундагина давлат тинч ва барқарор раванқ топиши мумкин. Шу жиҳатдан оила кўрғонининг мустақамлиги ва унда маънавий жиҳатларнинг шаклланиши ҳамда амалга оширилиши муҳим аҳамиятга эга. Бинобарин, оила деб аталмиш муқаддас маконда фарзандлар камолга етади, улғаяди. Оилаларнинг мустақамлиги ва маънавий баркамоллиги учун, ўз навбатида, ёшларнинг оила қуришга ҳар томонлама тайёрлиги, хусусан, ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, эр-хотин муносабатлари ҳақида батафсил маълумотларга эғалиги зарур омил ҳисобланади. Зеро, эрта турмуш ва эрта туғруқ ҳолатлари оиланинг репродуктив саломатлиги ва оилавий ажримлар билан боғлиқ муаммоларни келтириб чиқариши мумкин.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, мамлакатимизда сўнгги йилларда эрта туғруқ ҳолатлари, асосан, 15-18 ёшли аёллар ўртасида кузатилмоқда. Ушбу ёшдаги эрта туғруқ ҳолатларининг нисбатан юқори кўрсаткичлари Самарқанд (Ургут тумани, Самарқанд шаҳри, Пастдарғом тумани, Самарқанд ва Каттакўрғон туманлари), Қашқадарё (Чироқчи, Китоб, Косон, Қамаш туманлари ва Қарши шаҳри), Фарғона (Кўқон шаҳри, Бувайда, Боғдод, Учкўприк ва Данғара туманлари), Сурхондарё (Денов, Сарийосиё ва

Олтинсой туманлари) ва Андижон (Шаҳрихон тумани, Андижон шаҳри, Асака ва Кўрғонтепа туманлари) вилоятларига тўғри келмоқда.

Республикамизда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини оммалаштириш, ёшларнинг никоҳга оид тушунчаларини кенгайтириш, эрта турмуш ва эрта туғруқнинг олдини олиш борасида тизимли ишлар олиб борилмоқда. Афсуски, бу саъй-ҳаракатларга қарамасдан, жамиятда репродуктив саломатлик талабларига зид равишда қизларни эрта турмушга узатиш натижасида эрта туғруқ ҳолатлари, ёш оилаларнинг беқарорлиги сабаб оилавий ажримлар сонинг ортиши ҳолатлари кўплаб кузатилмоқда.

Ўзбекистонда эрта турмуш қураётганлар сони ошиб, статистик маълумотларга кўра, 2019 йилда 2998 та эрта никоҳ ва 6891 та эрта туғруқ ҳолатлари қайд этилган.

Юқоридагиларни инобатга олиб, таъкидлаш жоизки, эрта турмуш, эрта туғруқ муаммолари ва бошқа салбий демографик тенденциялар бўйича тадқиқотлар олиб бориш долзарб аҳамиятга эга. Шу боисдан Қашқадарё вилоятининг аҳолиси энг кўп бўлган 3 та: Китоб, Косон ва Чироқчи туманларида “Эрта турмуш ва эрта туғруқ муаммолари ва уларнинг олдини олиш чора-тадбирлари” мавзусида социологик тадқиқот ўтказилди. Тадқиқотда умумий 38 нафар эксперт, 110 нафар ота-она ва 110 нафар ёшлар қатнашди.

Социологик-демографик тадқиқотда “Эрта турмуш қуриш масаласи, сизнингча?”, “Репродуктив саломатлик ва тиббий кўрикка муносабатингиз қандай?”, “Кўпчилик “эрта никоҳ тез барҳам топади” деган фикрда. Шу фикрга қўшилмасизми?”, “Эрта никоҳларда ажрашиш ҳолатларининг кўплигига нималар сабаб бўляпти, деб ўйлайсиз?” каби бир қанча саволлар билан респондентларга мурожаат қилинди.

“Эрта турмуш масаласи, сизнингча?” деган саволга 52 % респондент ота-оналарнинг орзу-ҳаваси эканини таъкидлаганини кўриш мумкин, яъни эрта турмуш қуриш масаласида ота-оналарнинг орзу-ҳаваси биринчи ўринга чиққанини кўришимиз мумкин. Эрта турмуш қурган аксарият ёшлар оила қуришга тайёр эмаслиги, деярли кўпчилиги бирор-бир касб-ҳунар эгалламагани оиладаги етишмовчиликлар туфайли ажримлар сони кўп бўлишига олиб келмоқда. Ота-оналарнинг орзу-ҳаваси қурбони фарзандлар бўлиб қолмоқда. Худди шу худудларда “эрта туғруқ оқибати энг кўп она саломатлигига зарар беради” деган жавобни деярли 60,5 фоиз респондент тасдиқлаганини кўриш мумкин. Қизларнинг жисмоний ва руҳий жиҳатдан ҳаётга тайёр эмаслиги, эрта туғруқ оқибатида жисмонан ва руҳан зарбалар олиши, бунинг оқибатида

оилада носоғлом муҳит таъсирида ажримлар сони ортади.

Эрта никоҳлардан ажралишларнинг асосий сабаби қилиб, 78,2 фоизи ёшларнинг оила қуришга тайёр эмаслиги; 6,9 фоизи рўзгор юришда уқувсизлик, тажрибасизлик; 10,8 фоизи учинчи шахслар билан келишмовчилик ва низолар ҳамда тегишли равишда 3,6 %и бошқа сабаблар деб билдирилган. “Эрта никоҳларда ажралиш ҳолатларининг кўплигига нималар сабаб бўляпти, деб ўйлайсиз?” деган саволга ҳар учала туман респондентларининг энг асосийи (75-82 фоиз) “ёшларнинг оила қуришга тайёр эмаслиги” дея изоҳ беришган.

Экспертлардан мактабларда жинсий тарбия ўргатилишига муносабатлари сўралганда, 73,4 фоизи “ўтилиши керак”; 26,5 фоизи эса “керак эмас, ёшларнинг одоб-ахлоқи, тарбияси бузилади” деган фикрларни билдиришган. Китоб тумани ҳамда Косон туманида истиқомат қилувчи респондентларнинг асосий қисми “албатта, жинсий тарбия ўргатилиши керак” дея таъкидлашган. Чироқчи туманида ҳам ушбу жавобни берган респондентлар сони нисбатан кўп бўлса-да (57,5 фоиз), “йўқ, бу ёшларнинг тарбиясини бузади” деб жавоб берувчи респондентлар миқдори (42,5 фоиз) ҳам оз эмас. Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, жинсий тарбия, аввало, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашда муҳим ҳисобланса-да, халқимиз томонидан ғарбча маданият сифатида эътироф этилади. Шарқона маданият ва миллий менталитет ҳамда диний қарашлар устунлик қилиши маълум бир маънода айрим ҳудудларимизда жинсий тарбия ўтилишига эътирозлар бўлишига сабаб бўлмоқда.

Экспертларнинг фикрича, ушбу соҳадаги муаммонинг туб илдизи ота-оналарнинг масъулиятсизлиги ва мактабларда репродуктив саломатлик дарслари ўтилмаслиги (35,4 фоиз); савияси пастлиги ҳамда (10,2 фоиз) олий ва ўрта махсус, халқ таълими тизимида оила илмига оид машғулотларнинг йўлга қўйилмаганлиги, ихтисослашган тиббий кадрлар етишмаслиги (14,1 фоиз), ёшларнинг билими (8,6 фоиз) сабаб бўлмоқда.

“Эрта никоҳга нималар сабаб бўлиши мумкин, деб ўйлайсиз?” деган саволга ота-оналарнинг 36,3 фоизи “ота-онанинг фарзанд тарбиясига лоқайдлиги” ва 32,9 фоизи “ота-онанинг калта фикрлаши” дея, қолганлари эса бошқа сабабларга кўра, хусусан, катталарнинг қариндошчилик ришталарини мустаҳкамлаш (13,0 фоиз), эрта етилиш (1,8), ҳомиладор бўлиб қолиш ва диний қарашлар (3,9 фоиз) ва 7,0 фоизи умуман бошқа сабабларни кўрсатишган. Китоб тумани вилояти респондентларининг 53,2 фоизи эрта никоҳга сабаб бўлувчи омил сифатида

“ота-онанинг фарзанди тарбиясига лоқайдлиги” деб кўрсатишган бўлса, Чироқчи туманидаги 35,7 фоиз иштирокчи ота-онанинг калта фикрлашини алоҳида келтириб ўтишган.

Оила соҳасидаги муаммоларнинг туб илдизи сифатида Чироқчи туманидаги респондентларнинг 43,9 фоизи “ота-оналарнинг масъулиятсизлигида” деб жавоб беришган бўлса, Китоб тумани ва Косон тумани респондентларининг асосий қисми (40,5-42,8 фоизи) “мактабларда репродуктив саломатлик дарсларининг ўтилмаслигида” дея жавоб қилишган. Тарбия, аввало, оилада ота-она томонидан шакллантириб борилади. Ёшларнинг келгусида оилавий ҳаётга тайёр бўлишида ота-онанинг ўрни муҳим аҳамиятга эгадир.

“Репродуктив саломатликни таъминлаш, қизларни оилага тайёрлаш, соғлом онадан соғлом бола туғилиши учун ким фаол бўлиши керак?” дейилганда, 81,3 фоиз респондентлар ота-она; 10,5 фоизи оилавий поликлиника шифокорлари фаол бўлиши керак ҳамда қолганлари турли сабабларни билдиришган. Ушбу саволга юқорида келтирилган респондентларнинг асосий қисми маъсул сифатида ўзларини, яъни ота-оналарни “қизларни оилавий ҳаётга тайёрлашда асосий ўринни эгаллайди” деб кўрсатишган.

“Фарзандлар оила қурганидан сўнг ота-онанинг вазифаси нималардан иборат, деб ўйлайсиз?” деган саволга 66,7 фоиз қатнашувчилар оила муқаддас эканини доим уқтириб туриш кераклиги, 18 фоизи турмуш ўртоғининг оила аъзолари ва яқинларига ҳурмат кўрсатишни таъкидлаш лозимлигини, 8,8 фоизи тинч-то тув, аҳил, иноқ яшаш оилани фаровон қилишни тушунтириш, 2,4 фоизи турмуш ўртоғини тушуниш, доим унинг ҳурматини жойига қўйишни айтиш, 3,8 фоизи бошқа сабабларни кўрсатишган. Фарзанди оила қурганидан сўнг ота-онанинг энг муҳим вазифаси – оила муқаддас эканини доим уқтириб туриш лозимлигини иштирокчиларнинг асосий қисми билдиришган.

Респондентларнинг эрта турмуш ва эрта туғруққа бўлган муносабатини ўрганиш мақсадида берилган саволга 72,2 фоиз салбий; 6,4 фоиз бетараф ва 8,1 фоизи ижобий, 11,7 фоизи “ҳар кимнинг ўзига ҳавола” деган жавобни беришган.

Ота-оналар эрта никоҳнинг салбий томонларига оид бир қанча жиҳатларнинг келиб чиқилиши таъкидлаб ўтишган. Шулардан энг кўпи – 62,5 фоизи ёшлар оилавий ва мустақил ҳаёт юргизишга тайёр бўлмаслигига олиб келишини сабаб қилиб кўрсатса, 16,2 фоиз респондентлар физиологик жиҳатдан етилмаганликлари ҳамда 6,7 фоизи оилавий ҳаёт эрта бошланиши, 5,3 фоизи носоғлом фарзанд туғилиш эҳтимоли мавжудлиги, 2,7 фоизи моддий етишмовчилик-

ни бошдан кечирishi ва йигитларнинг оила маъсулиятини бўйнига олмаслигини кўрсатиб ўтишган. Китоб туманидаги респондентларнинг 76,1 фоизи эрта никоҳнинг салбий томонлари сифатида ёшлар оилавий ва мустақил ҳаётни юргизишга тайёр бўлмаслиги, Косон туманидаги респондентларнинг 29,7 фоизи носоғлом фарзанд туғилиш эҳтимоли мавжудлиги ҳамда ажралиш ҳолатлари кўпроқ учрашини билдиришган.

Респондентларга “Маълумотингиз қанақа?” деган савол берилганида, оталардан 3,2 фоизи олий маълумотли, оналардан 68,2 фоизи ўрта махсус, 28,5 фоизи ўрта, 25,3 фоизи олий маълумотли эканлиги айtilган. Сўровномадан маълум бўлдики, Китоб туманида яшовчи респондентларнинг 57,7 фоизи ўрта махсус, Косон тумани респондентларнинг 47,3 фоизи ўрта маълумотли, Чироқчи туманидаги респондентларнинг 38,4 фоизи олий маълумотли экан.

Оила қургандан кейин респондентларнинг 35,8 фоизи ўқишларини давом эттиришган; 17,1 фоизи ўқишни давом эттиришни ўзлари хоҳлашмаган, 25,6 фоизига турмуш ўртоқлари рухсат беришмаган; 13,3 фоизи эса ўқишларига қайнона-қайноталари қарши бўлишганликларини кўрсатишган, шунингдек, 6,4 фоиз респондентларимиз бошқа сабаблар туфайли эканлигини таъкидлашган. Туманлар кесимига кўра, Китоб туманидаги 66,7 фоиз респондент ўқишни давом эттирганлигини, Косон туманидаги респондентларнинг 60,9 фоизи турмуш ўртоқлари рухсат бермагани туфайли ўқишни давом эттира олмаганини таъкидлашган.

Респондентлар орасида ўтказилган социологик-демографик тадқиқот таҳлили натижаларига кўра хулоса қиладиган бўлсак, жойларда маҳаллалар фаолиятини кенгайтириш ва уларда ёш кадрлар сонини ошириш, бундан ташқари аёллар билан ишлайдиган марказларнинг фаолигини янада ошириш лозим. Бундан ташқари ёшларни, айниқса, қизларни оилавий ҳаётга тайёрлашда, асосан, ота-онанинг маъсулияти юқори эканлигини ҳисобга олган ҳолда, ҳудудлардаги ушбу муаммонинг кўламиндан келиб чиқиб, ота-оналар ўртасида ҳам тарғибот ишларини олиб бориш ҳамда уни амалга оширишда ўзига хос ёндашув доирасида амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Юқоридаги маълумотлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ҳукумат томонидан ёшлар ўртасида эрта никоҳ қуриш муаммосининг ҳал этилиши юзасидан тизимли ишлар олиб борилмаса, сўнгги 10 йилда ажралишлар сони ҳозиргига нисбатан 1,5 баробарга ошиши, уларни уй-жой билан таъминлаш, аёллар ўртасида жиноятчиликнинг ошиши, аёллар орасида меҳнат мигрантининг кўпайиши, оналар ўлимининг ҳозирги

кўрсаткичга нисбатан 10 баробар кўпайиши каби муаммоларга сабаб бўлиши мумкин.

Ушбу ҳудудларда эрта турмуш ҳолатлари-га сабаб бўлаётган омиллар нималардан иборат ва уларнинг қандай ечимлари мавжуд?

Эрта турмуш ҳолатларига сабаб бўлаётган омиллар:

Биринчидан, диний билимларни тўлақонли англамасдан, айрим нотўғри тушунчаларни юзага келтириш. Хусусан, ота-оналар орасида эрта турмушга бериш орқали ўз қизларининг таълим олиши ва ижтимоий ҳаётга фаол аралашуви натижасида юзага келадиган хавф-хатарларнинг олдини олишга уриниш юзага келмоқда. Аммо Ислом динида аёлларни ижтимоий муҳитдан ажратиш ва таълимдан узоқлаштириш тарғиб қилинмайди.

Ислом аёл кишига таълим олиш ва маданий савиясини ошириш ҳаққини берди ва эркакларни бу ишга масъул қилди. Илм талаби эркак аёлга баробар фарзлиги, қизлари ва сингилларига таълим-тарбия берган киши жаннатга ҳақли бўлишини яхши биламиз. Аввалги авлод мусулмон аёллари эрлари, бошқа устозлари, Пайғамбар саллаллоху алайҳи вассалламнинг оммавий дарс ва хутбаларидан олаётган илм-маърифатга қаноат ҳосил қилмай, Пайғамбар алайҳиссаломдан аёллар учун алоҳида илм-маърифат мажлислари қилишни талаб этганлар. Уларнинг бу талаблари Пайғамбар саллаллоху алайҳи вассаллам томонидан дарҳол қондирилган. Аёл киши фақат таълим олиш, дарс, хутба ва ваъз эшитишгагина ҳақли эмас, балки таълим бериш, дарс айтиш ва бошқа илмий ишлар билан машғул бўлиш мажбуриятида ҳамдир. Муслима аёллар илм-фан ва маданият соҳасида улкан ютуқларга эришганликлари ҳаммага маълум. Олима аёллар вакиласи Оиша онамиз ҳадис ривоят қилиш бўйича иккинчи ўринда турадилар. Улкан саҳобийлар ўзлари билмаган нарсаларини, ҳал қила олмай қолган масалаларини Оиша онамиздан сўрар эдилар. Ўша вақтнинг шароитида бу нарсалар дунё миқёсида катта ўзгаришлар эди.

Иккинчидан, айрим ота-оналар ўртасида “ёш қизлар тез ва осон узатилади, 18 ёшдан ошганда эса уларни турмушга бериш қийинлашиб боради” деган нотўғри дунёқарашнинг мавжудлиги. Бу дунёқарашга эга ота-оналар ўз қизларини ҳали жисмонан ва маънан тайёр бўлмасида, имкон борида турмушга беришга уринишмоқда.

Учинчидан, турмуш қуриш мақсадида бўлган эркакларнинг ўз ёшидан қатъи назар анча ёш бўлган, айниқса, турмуш қуриш ёшига етмаган қизлар билан турмуш қуриш истагининг кучлилиги. Турмуш қуриш истагидаги кўпчилик эркакларнинг ушбу хатти-ҳаракатлари жамият-

даги жинсий мутаносибликни бузишга хизмат қилмоқда.

Тўртинчидан, мактаб ва коллежларда қизларга репродуктив саломатлик, турмуш қуриш юзасидан маълумот ва таълим беришнинг етарли даражада эмаслигидир. Бунинг натижасида ёшлар ўртасида эрта яқинликнинг юзага келиши, бунинг натижасида эса ота-оналар ўртасида уларни эрта турмуш қуришга йўналтириш ҳолатларини келтириб чиқармоқда.

Хулоса ва таклифлар. Кўрсатиб ўтилган ушбу омиллар вилоят аҳолиси такрор барпо бўлиш жараёнига катта таъсир ўтказди. Бугунги кунда давлат томонидан ишлаб чиқиладиган қонун ва қарорлар аҳолининг яшаш шароити ва ижтимоий ҳолатини яхшилаш учун замин яратмоқда. Бу эса республикадаги вилоятларда аҳоли сони ва демографик жараёнлар ривожига ўз хиссасини қўшади. Давлатимиз томонидан никоҳ ёшининг қонуний оширилиши, ўрта мактаб ҳамда ўрта махсус таълим олаётган ёшларнинг никоҳи таъқиқланиши, 2021 йилнинг юртбошимиз ташаббуси билан “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш” йили деб эълон қилиниши, жойларда ёшлар муаммоси билан ишловчи “Ёшлар агентлиги”нинг ташкил этилиши, уларни иш фаолияти билан банд қилиши, олий таълим муассасаларида

хотин-қизларнинг таълим олиши учун қўшимча квоталар ва имкониятларнинг яратилиши том маънода қизларнинг эрта турмуш қуришига барҳам беради. Қолаверса, мамлакатимизнинг демографик жараёнларига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Жойларда вужудга келадиган ушбу қизларни эрта турмушга узатиш муаммоларининг олдини олиш мақсадида қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз:

– болалар, ўспиринлар ва ёшларни репродуктив саломатлик дастурларини амалга оширишга кенг жалб қилиш;

– жамиятда соғлом турмуш тарзи ва масъулиятли ота-она тамойилини тарғиб қилишга қаратилган муносабатларни янада кенгайтириш;

– ўспирин ва ёшлар ўртасида оилавий кадриятларни шакллантиришда оммавий-ахборот воситаларининг ролини кучайтириш;

– ўспиринлар орасида уларнинг хатти-ҳаракатлари, эрта турмуш ва эрта туғруқ хавфларини аниқлаш ҳамда бартараф этиш бўйича кенг қўламли тадқиқот ва профилактика тадбирларини ўтказиш;

– таълим дастурларида эрта турмуш ва эрта туғруқ масалаларига кенгроқ ва чуқурроқ тўхталиш.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти: назария ва амалиёт. – Т.: “Фан” нашриёти, 2019 й.
2. Тоғжиева З.Н., Дўсмонов Ф.А. Демография. – Т., 2020. – 115 б.
3. Демография. Современное состояние и перспективы развития. Учеб. Пособие. / Под ред. Д.И. Валентея. – М.: Высшая школа, 1997. 259 с.
4. Сови А. Мифология нашего времени. – М.: Прогресс, 1979. – С. 103.
5. Многоязычный демографический словарь. – Нью-Йорк, 1973. – С. 4.
6. Сови А. Общая теория населения. Т.1. – М.: Прогресс, 1977. – С. 49.
7. Современная демография. / Под ред. Кваши А.Я., Ионцева В.А. – М.: Изд-во МГУ, 1995. С. 170-171.
8. Демография. Учебное пособие. / Коллектив авторов: под ред. В.Г.Глушковой, Ю.А.Симагина. 7-е изд., перераб. и доп. – М.: КНОРУС, 2013. С. 286.
9. Абдурахмонов Қ.Х., Абдурамонов Х.Х. Демография. Ношир, 2011.
10. Основы теории народо населения. / Под ред. Д.И. Валентея. – М.: Высшая школа, 1973. С. 27.
11. Бўриева М.Р. Демография асослари. – Т.: ЎЗМУ, 2001. 41-б.
12. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси www.stat.uz расмий веб-сайти.
13. Қаюмов А.А., Утепова Г. Меҳнат ресурсларини такрор барпо қилишнинг демографик асослари. Ўзбекистон география жамияти ахбороти. 21-жилд. – Т., 2000. 171-177-б.
14. Abdurakhmanov K., Zokirova N. Labour Economics and Sociology: Edited by: Prof. Dr. E.S.Margianti, SE., MM. Tutorial. – Jakarta: Gunadarma Publisher, 2013. – 430 p.
15. Abduraxmonov Q.X., Shoyusupova N.T. Aholining ish bilan bandligi. O'quv qo'llanma. – Т., 2011. 4-5-б.
16. Xolmo'minov Sh.R., Xolmurodov S.E. Mehnat bozori iqtisodiyoti. O'quv qo'llanma. – Т., 2013.
17. Xolmo'minov Sh.R., Xolmurodov S.E. Mehnat bozori rivojlanish tahlili. Monografiya. – Т.: “Fan va texnologiya” nashriyoti, 2016.
18. Damodar Gujarati. Econometrics by Example. 2012.
19. Tito Boeri, Jan van Ours The Economics of Imperfect Labor Markets: Second Edition Princeton University press Pirinceton and Oxford United Kingdom 2013.